

Энди Тож Маҳалда намоз ўқиб бўлмайдими?



14:08 / 09.11.2018 4197

Ҳиндистон мусулмонларининг бош раъзи бўлган Тож Маҳал масаласи кун мавзусига айланиб бормоқда.

Бу сафар Ҳиндистон Археология бошқармаси мақбара-масжид ҳудудида мусулмонларга намоз ўқишни тақиқлаб қўйди. Times of India бундан буён маҳаллий мусулмонларга фақат жума намозини ўқишга рухсат берилади. Бунинг учун соат 12:00 дан 14:00 гача вақт тақдим этилади. Шунда ҳам Тож Маҳал ҳудудига фақат ҳужжатлар текшируви ва шахснинг тасдиқланишидан кейин кириш мумкин бўлади. Ҳаттоки, имом ва бошқа ходимларнинг ҳам жума кунларида бир неча соатга келиб кетишларига ижозат берилган.

Бу охириги йилдаги Бобурийлар қурдирган мусулмонларнинг ушбу бутун дунёга машҳур обидаси билан боғлиқ биринчи нохуш ҳолат эмас. Шу

Йилнинг январь ойида Агра суди ҳиндистонлик бўлмаган, масалан, келиб чиқиши Бангладешдан бўлган мусулмонларга масжидда намоз ўқишларини тақиқлаб қўйган эди. Бу, гўёки хавфсизлик чораларига риоя қилиш эди. Хабарингиз бор, ёз бошларида эса Тож Маҳал ҳинд миллатчиларининг ваҳшиёна ҳужумига учради. Ушбу воқеа ўз ниҳоясига етмасдан, мақбара аянчли ҳолатда эканлиги ва шошилиш тарзда таъмирлаш ишларига муҳтожлиги эълон қилинди. Бузилишнинг сабаби деб, экологик муаммолар ва обидага қараб туришнинг имконияти йўқлиги айтиб ўтилди. Ўшанда Ҳиндистон Археология бошқармаси томонидан обидани капитал таъмирдан ўтказиш ёхуд тўлиқ бузиб ташлаш талаби ҳам илгари сурилган эди.

Авваллари мусулмонлар Тож Маҳалда намоз ўқиш учун сайёҳларнинг кириш чиптасини сотиб олишлари талаб қилинарди. Энди бўлса маҳаллий мусулмонларга шу атрофдаги бошқа масжидларда намоз ўқиш таклиф этилмоқда.

Ҳиндистон Археология бошқармаси масжидга ташриф буюришни ман қилинаётганлигини мамлакат Олий судининг июль ойи қарорини ижро этилиши билан изоҳламоқда. Унга кўра, бу атрофдаги фақат 15 та масжидда намоз ўқилиши мумкин. Суд қарорига мувофиқ, ушбу тарихий ва маданий обида жиддий қараб туришни талаб этади, мусулмонлар эса намозни бошқа масжидларда ўқисалар ҳам бўлади.

Ўз навбатида Тож Маҳалнинг нозирлари (имом ва бошқа ходимлари) шу кунларда бу тақиқни бекор қилиш чораларини кўрмоқдалар. Маълум бўлишича, обиданинг имоми яқин орада Ҳиндистон Археология бошқармаси раҳбарияти билан шахсан учрашиб, диний обида билан боғлиқ барча муаммоларни муҳокама қилиб олишни режалаштирган.

Islom.uz порталитаҳририяти